

Бобоҗавшан

(ДОСТОН)



ТОШКЕНТ
ЧУЛПОН

Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи
Нурбой Абдулҳаким ўғли

Хаёлан аср бошидаги ўзбек меҳмонхонасини кўз олдингизга келтиринг. Нуруний бир мулло киши китоб ўқиётир. Унга қулоқ солаётганлар гоҳо бош чайқасалар, гоҳо тиззаларига уриб қўядилар. Улар дoston эшитишяпти.

Бугун эса ундай гап-гаштаклар, китобхонликлар йўқ. «Бобо Равшан» деган марса борлигини билса битта-яримта билар, булмаса уям йўқ. Қанийди, ўша меҳр-оқибат, ҳурмат ва самимият қайтиб келса, қанийди, фарзандларимизни ҳалоллик ва қаҳрамонликка ундайдиган асарлар кўп булса...

Қўлингиздаги бу китоб мана шундай армон ила юрганлар учун тайёрланди.

3Ўз
79

Бобо Равшан: Дoston (Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Нурбой Абдулҳаким ўғли). — Т.: Чўлпон, 1992. — 48 б.

Бобо Равшан: Поэма.

ББК 82. 3Ўз

N 5-8250-0339-8
3620104

© Нурбой Абдулҳаким ўғли

ХАЛҚ ДОНОЛИГИНИНГ НАМУНАСИ

«Бобо Равшан»ни биринчи марта ўқиб чиққанимдаёқ халқимизнинг яратувчанлик қудратига, ҳақиқатан ҳам дово ва ижодкор халқ эканлигига тан бергандим. Дostonнинг ҳозирги алифбодаги наشري бўлмаганлиги сабабли отам — Абдулҳаким Жаббор ўғлига ўқиб бермоқлик ниятида ўзимдаги нухасини қишлоққа олиб кетдим. Дostonни ўқий бошлаганимда эса, давомини отамнинг ўзи менга сўзлаб бердилар. Дoston халқ орасида жуда кенг тарқалган, қадим-қадимдан гурунглар, гап-гаштакларда айтилиб эшитилар экан. Уни ҳозирги алифбога ўтказиб, ёшларни халқ донолигини яна бир намунаси билан таништириш нияти туғилди.

Бу асарда асосан Бобо Равшанни қарздан қутқариш жараёнида Ҳазрат Алининг бошидан ўтган саргузаштлар халқ дostonларига хос муболағалар, бадиий тасвир воситалари орқали ҳикоя қилинади.

Дostonнинг асосида ислом динининг инсонпарвар дин эканлиги, мусулмон аҳлининг ҳеч қачон хор бўлмаслиги, кофирлик эса «мисли нажесат» эканлиги, ҳақиқий эътиқодли, иймонли кишиларга Оллоҳ ҳаминша мададкор эканлиги каби ғоялар ётади.

Дostonда дин тарихига, пайғамбарлар тарихига оид ривоятларга ишора қилинган шеърый мисралар ҳам учрайдики, бу ҳолат дostonнинг қимматини янада оширади.

Ривоят қилинишича, Иброҳим алайҳиссаломнинг тушларида: «Қурбон қилғил», деган хитоб келди. У зот тонгда туриб, юз қўй келтириб, қурбонлик қиладилар. Иккинчи кеча яна туш кўрдилар: «Эй Иброҳим, тур, қурбон қилғил», деб хитоб келди. Иброҳим алайҳиссалом бу гал юз туяни қурбонлик қилдилар. Учинчи кеча яна худди шундай хитоб келди. Шунда Иброҳим алайҳиссалом айтдилар: «Манинг қурбоним на турур, нани қурбон қилайин?» Хитоб келди: «Кимники биздин азизроқ кўрдинг, ани қурбон қилғил». Вилдиларким. Ўғиллари Исмоилни қурбон қилмоқлари вожиб. Шунда жуфти поки Ҳожарга: «Бир азиз дўстим бор, ўғлимизни кўрмоқ истаган эрзи. Исмоилнинг бошини, сочини енгил, олиб берай»: — дедилар: Ҳожар Исмоилни ювди, сочини таради, янги тўн кийдирди, Исмоил ғоятда кўрланди.

Иброҳим алайҳиссалом ип, пичоқ олдилар ва тоққа қараб кета бошладилар. Исмоилга эса орқасидан юрмоқликни буюрдилар. Исмоил отасининг орқасидан кета бошлади. Буни кўриб Иблиснинг сабри қолмади. Одамга айланиб Исмоилнинг олдига келди ва айтди: «Отанг сани қайга элтур, билармисан?» Исмоил айтди: «Дўстига элитур». Иблис айтди: «Сени қурбон қилмога элтур? Исмоил айтди: «Ҳеч замонда ота ҳам ўғлини қурбон қилурми?» Иблис айтди. «Худонинг амри билан қурбон қилмоқчи»: Исмоил: «Худонинг амри шу бўлса, минг жоним бўлса фидо қилдим», — деб жавоб берди. Иблис: «Бу ўғлонни энга олмадим, аёллар зафороқ бўлур» — деб Ҳожарнинг олдига келди. Айтдики: «Иброҳим Исмоилни қайга элтур, билурмисан?» Ҳожар айтди: «Дўстининг олдига элтур». Иблис худди шу гапларни Ҳожарга ҳам айтди: Ҳожар айтди: «Эй аҳмоқ, худо амри бўлса, минг жон фидо бўлсин». Иблис ноумид бўлиб яна Исмоилнинг олдига келди вазваса қила бошлади. Исмоил бу ҳолатни отасига айтди. Отаси айтдилар: «У пайтондур, тош отгин, кетсин». Исмоил етти тош олиб отди. Ўша ерда тош отмоқлик ҳожларга суннат бўлиб қолди. Иброҳим алайҳиссалом йиғлай бошладилар. Исмоил отасидан бунинг сабабини сўради. Отаси айтдилар: «Эй ўғлим, манга сани қурбонлик қилиш вожиб бўлди. Исмоил айтди: «Худого дўстликни даъво қилган кишининг амрини сўзасиз бажармоғи лозимдир. Оллоҳ розилиги учун жонимдан ҳам кечипга тайёрман».

Яна айтди «Эй ота менга уйда хабар қилмадингиз, онаминг оёқларига йиқилиб, севиқли дийдорини кўриб қолар эдим. Аммо уч васиятим бор: бири улким, менинг қўл ва оёқларимни маҳкам боғланг, оғриққа чидай олмай талпинсам, тўнингизга қон тегмасин. Иккинчиси, юзимни пастга қаратинг, юзимни кўриб, ота-

лик шафқатингиз уйғониб, пичоқ тортмоқликка халақит бермасин. Учинчиси, кўйлагим бирла сочимни онамга олиб боринг».

Шундан кейин Иброҳим алайҳиссалом Исмоилнинг қўл-оёқларини боғлаб, фотиҳани ўқиб, куч билан пичоқни бўғзига тортдилар, лекин кесмади. Қаҳр қилиб пичоқни ерга отдилар. Пичоқдан садо келди: «Эй Иброҳим, сен кестин, деурсан, Оллоҳ кесма, деур. Қиёмат кунида ҳам шундай бўлар экан. Муҳаммад умматини дўзахга киритмаслар, дўзах ўти уларни кўйдирмас. Сўрарлар: «Нега кўйдирмасан. Ут айтган: «Сен кўйдир, дерсан, лекин Оллоҳ айттур: «кўйдирмагил».

Шу пайт ҳавода ун эшитилди: «Эй Иброҳим, сен ўз олдиндаги вазифани бажардинг. Бу кўйни олгил, қурбон қилгил. Углинг саломат қолсин!»

Жаброилдан ун эшитилди: «Оллоҳу акбар, Оллоҳу акбар». Иброҳим алайҳиссалом юқорига қарасалар, Жаброил кўй олиб келур. Қувонч билан айтдилар: «Ла ылаҳа илло-лоҳу Оллоҳу акбар!» Исмоилга айтдилар: «Кўргин, Оллоҳ таоло бизни бу машаққатдан қутқарди». Исмоил ҳам кўйни кўрди ва севинч билан айтди: «Оллоҳу акбар ва ли-ллоҳи-ҳамд: Айчишларича, кимки ҳайит куни бу такбирни айтса, Жаброил аминнинг, Иброҳим Халилнинг, Исмоил забиҳнинг шафоатига муяссар бўлур.

Мазкур ривоят дostonда қуйидаги тўрт мисра шаърда, Ҳазрат Алининг Оллоҳга қилган хитобида ўз ифодасини тошган:

Иброҳим Халилга фармон айладинг,
Исмоил бошини қурбон айладинг,
Жаннатдан қўй бериб осон айладинг,
Қодир Оллоҳ, сан билурсан ҳолимни.

Кўрпясизки, кичик бир шеърый лавҳа бағрига катта бир тарих сингдирилган. Дostonнинг энг диққатга сазовор жойи, катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ўрни Ҳазрат Али дарёни боғлаб, ўн икки фарсаҳли девни ўлдириб келганидан кейин, учинчи шартни бажаришга киришган пайтида кўринади:

Шоҳнинг ҳаққи гарданимда қолмасин,
Маҳшар куни Тангри хитоб қилмасин,
Эр улду, ваъдаси ёлғон ўлмасин,
Паҳлавонлар, тутиб боғланг — Алиман.

Бу ҳақиқий эр кишининг, бировнинг ҳақидан қўрққан, Тангри олдида жавобгарлик масъулиятини ҳис қилган ҳақиқий инсоннинг хитоби бўлиб янграйди...

Доно халқимиз тафаккурининг маҳсули бўлган бу дoston ҳали яна кўнлаб авлодларни тарбиялашга хизмат қилишига ишонамиз.

Қўлвзма тайёр қолга келгач, муҳаррир билан иш бошладик. Иккимиз навбат билан дostonни овоз чиқариб ўқиётгандик, хонага шоёр Ҳамза Имонбердиев кириб келди.

— «Бобо Равшан»ни ўқиясизлар шекилли? — сўради у.

— Ҳа, дедик биз. — Қаердан билдингиз?

— Сўзлари, оҳанги таниш туюлди-да, — деди Ҳамза ака. — Болалигимда бувим раҳматлик ўқиб берардилар. Уқийверинглар, мен яна бир эштай.

Тагин ўқишда давом этдик. Кўп ўтмай маълум бўлдики, биздаги нусхада айрим ўринлар тушиб қолган экан. Ҳамза Имонбердиевда дostonнинг бувиси айтиб туриб ёздирган нусҳаси бор экан.

Уша нусха билан ўзимиздагисини солиштирдик. Назаримизда, асарнинг тўлиқ нусҳаси тикланди.

Дostonни ўғли Раҳмонберди, келини Онатайга, синглиси Кароматга ўқиб берган, ҳозирги алифбога кўчиртирган Шаҳрибону Султон Халифа қизини Оллоҳ раҳмат қилсин. Бу китобни ўқиغانлар табаррук момомизни ҳам дуо айласалар, беҳад курсанд бўлур эдик.

НУРБОЙ АБДУЛҲАКИМ



Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

Алҳамду лиллаҳи роббил аъламин баъда аммо ровиён ва ноқилон осор андоғ ривоят қилурларким, Мадина шаҳрида бир Бобо Равшан деган бобо бор эрди. Кўп камбағал, кўп аёлманд эрди. Бир жуҳуддин минг тилло қарздор эрди. Ани ҳаргиз бериб адо қилолмади. Бир куни жуҳуд айди:

— Ё пулимни топиб бергил, ё қизингни бергил, ё динимга киргил.

Бобо Равшан айдилар:

— Эй жуҳуд, манга эртага пешингача муҳлат бергил, худо хоҳласа, пулингни топиб берурман.

Жуҳуд қабул қилди. Бобо Равшан жуҳудларнинг гузаридан ўтуб борур эрдилар. Бир жуҳуд айди:

— Эй Бобо Равшан, йўл бўлсин?

Бобо Равшан айдилар:

— Яҳудо деган жуҳуддин минг тилло қарздор эрдим; кўп қистаб танг қилди. Энди пайгамбари худонинг олдиларига бориб, муборак аёғларига юзумни суртуб йиғларман, шоядки, шул балодин халос қилсалар.

Кўнгли бузулиб бир сўз деди:

Уларман оқибат бир кун,
Худоё, ҳожатим бергил.
Жуҳуд қўймас мени кун-тун,
Худоё, ҳожатим бергил.

Худо, деб қилмадим фарзин,
Эшит бул осий қул арзин.
Қарам, раҳм айла, уз қарзин,
Худоё, ҳожатим бергил.

Бу кофир қилди зўрлиқни,
Ажаб кўрсатди хўрлиқни.
Тилаб кўнглимда бирликни,
Худоё, ҳожатим бергил.

Қилибман зоре бу кунда,
Сани ёд этмадим тунда.
Жуҳуд нуҳс этмасин динга,
Худоё, ҳожатим бергил.

Кетмишга келиб ёшим,
Бу савдоға тушиб бошим.
Ҳақ, эшит қилган нолишим,
Худоё, ҳожатим бергил.

Бу кофир тушти йўлимға,
Қаратмас ўнгу сўлимға.
Минг тилла бериб қўлимға,
Худоё, ҳожатим бергил.

Худоё, эшит сўзимни,
Сарғайтма қизил юзимни.
Жуҳуддин қутқар қизимни,
Худоё, ҳожатим бергил.

Сўз уқмайди жуҳуд нодон,
Пайгамбар, деб қўйдим қадам.
Баҳаққи ҳазрати Одам,
Худоё, ҳожатим бергил.

Мани бандам дединг нечун,
Қарам, раҳм айлагил бу кун.
Ҳабиби Ҳақ — расул учун,
Худоё, ҳожатим бергил.

Бобо Равшан қилур зори,
Ўзингдадир ихтиёри.
Баҳаққи тўрт чорёри,
Худоё, ҳожатим бергил.

Бобо Равшан деюр отим,
Ўчир жуҳуд дафтар хатин.
Қутқариб ол омонатим,
Худоё, ҳожатим бергил.

Шунда жуҳудлар кулуб, ани масҳара қилиб дедиларки:

— Ул ҳам санингдек бир қашшоқ гадодур, сан боргунча қалъасидин келадиган моли, ё саҳродин келадиган теваси бормидики, санга беродур?

Жуҳудларнинг сўзига Бобо Равшаннинг кўнгли бузулуб бир сўз деди:

Эй ёронлар, кўпдур кўнглим армони,
Муродимни бир Оллоҳдин тиларман.
Ҳақ ўзидур барча дардни дармони,
Зор-зор айлаб раббанодин тиларман.
Ўн саккиз минг олам бирла тоғларни,
Қурт-қумурсқа, булбул бирла зоғларни,
Ул яратти аъмо билан соғларни,
Гадодурман, ўшал шоҳдин тиларман.
Уч юз йилки йиғлаб тилда саноси,
Даргоҳингда бағишлади гуноси,
Жумла пайғамбарни ато-аноси,
Одам бирла ул Ҳаводин тиларман.
Макка-Мадинадан иморат этган,
Қодир эгам ўзи башорат этган,
Бандаларга ўзи ҳимоят этган,
Ул Халтилу босафодин тиларман.
Томоша қил кўздан оққан ёшиға,
Қофирни яратти тегра дошиға,
Дарахт ичра арра келди бошиға,
Ўшал руҳи Зикриёдин тиларман.
Яҳудо илгидан чиқсам саломат,
Бир азиз бошимга неча аломат,
Чоҳ ичинда топган қурби саодат,
Юсуф бирла Зулайҳодин тиларман.
Уммат учун кўздин оқизиб хунин,
Сочарлар ҳар замон дурри ноёбин,
Очарлар Маҳшарда шафоат бобин,
Ул Муҳаммад Мустафодин тиларман.
Дулдул миниб зулфиқори белинда,
Малоиклар турар соғу сўлинда,
Ҳавзи кавсар сувин кўрсанг қўлинда,
Равшан айтур: Муртазодин тиларман.

Алқисса андин сўнг Бобо Равшан масжидга бориб салом бердилар.
Онҳазрат соллаллоҳу аълайҳи васалламга рўбарў бўлиб қараб туриб
бир сўз деганлари:

Садағанг бўлайин олам сарвари,
Ғарибларга лутфу иноят борму?
Деву пари инсу жинни раҳбари,
Мазлумларга зарра кифоят борму?
Тушубдур бошимга ҳақни балоси,
Бу кун вайрон бўлди кўнглим қалъаси,
Тинмай оқар икки кўзим жоласи,
Мундин ортиқ манга мусибат борму?
Савдо солди манга чархи кажрафтор,

Ҳеч киши бўлмасин мандек гирифтор,
Бу кун кўзларимга икки дунё тор,
Адашган қулларга башорат борму?
Ҳазратим, эшитинг манинг сўзимни,
Бул кун муҳлат пешин эрди ўзимни,
Ул-ғаний, мен — қашпоқ, олур қизимни,
Даврингизда мундоқ ривоят борму?
Шаръи покинг мани қўлум олмаса,
Шул ҳожатим сиздин раво бўлмаса,
Ўз динига солур пулин бермаса,
Уммат ичра мендек касофат борму?
Равшан айтур дарду кулфатим бисёр,
Ёлғиз бошим минг балога гирифтор,
Аввал-охир сен бўлмасанг мадакдор,
Осий умматларга шафоат борму?

Алқисса андин сўнг онҳазрат соллаллоҳу аълайҳи васаллам айдилар:

— Шул бобони ҳожатини чиқарадурғон одам борму? Уч марта садо қилдилар, ҳеч ким жавоб бермади. Алқисса андин сўнг Ҳазрат Али ка-
рамоллоҳу ваҳжаҳу айдилар:

— Ё расулуллоҳ, менга фотиҳа беринг, бул бобонинг ҳожатини мен чиқарурман.

Онҳазрат соллаллоҳу аълайҳи васаллам дуо қилдилар. Ҳазрат Али Бобо Равшаннинг қўлидан гутуб жўнай бердилар.

Ташқарида ўйнаб юрган имом Ҳасайн ва имом Ҳусайн оталарини кўриб эргашиб келавердилар. Ҳазрат Али икки ўғлонларига: «Қайтинг-лар», дедилар. Анда икки ўғил йиғлаб оталарига бир сўз дедилар:

Тасаддуқман қиблагоҳим,
Отам, йўл бўлсин, йўл бўлсин?
Сиздирсиз пушти паноҳим,
Эмди йўл бўлсин, йўл бўлсин?

Бобо олиб борар бошлаб,
Биз йиғлармиз кўзни ёшлаб,
Кетарсизму бизни ташлаб.
Отам, йўл бўлсин, йўл бўлсин?

Кўпдур икки ўғлинг меҳри,
Ўлса қолмас сизни дери.
Яратқон Оллоҳнинг шери,
Отам, йўл бўлсин, йўл бўлсин?

Бобо ҳолин сўрғонларинг,
Сўзда йўқтур ёлғонларинг.
Қолмас йиғлаб ўғлонларинг,
Отам, йўл бўлсин, йўл бўлсин?

Мустафониң жонидурсиз,
Худониң арслонидурсиз.
Көфирниң қиронидурсиз,
Отам, йўл бўлсин, йўл бўлсин?

Ўзимни йўлга солманам,
Душманниң пандини олманам.
Йиғлаб кейнидиң қолманам,
Отам, йўл бўлсин, йўл бўлсин?

Ўғлонлар дер, уйга қайтинг,
Биздиң сўрар аҳли байтун.
Биз не деймиз ростин айтинг,
Отам, йўл бўлсин, йўл бўлсин?

Ҳазрат Али карамоллоҳу ваҳҳаҳу ўғлонларига сизлар қайтинглар,
деб бир сўз дедилар:

Қайтинг эмди икки кўзум равшани,
Фалак солди мани бу на савдоға.
Тегра тошда кўндур отанг душмани,
Кеча-кундуз ёлғуз жўнай гавгоға.
Тақя қилдум доим номи Оллоҳни;
Ҳимоят айладим ҳақ Мустафони,
Шому саҳар ўзум истаб балони,
Гапг этарман дашту тоғу дарёга.
Бир нечани кўрсам бердим жонимни,
Бир нечани жўйбор этдим қониңи,
Бир нечалар талаш айлаб танини,
Нечаларни отдим сўйи самога.
Ҳарна қисмат ёзилганин билурман,
Ҳаним кўрсам шўри гавго қилурман,
Шаҳзодалар, маълул бўлманг, келурман,
Қилинг йўлдош мани ушбу бобоға.
Шери Ҳақ дер: маң сизларга парвона,
Бу дунёда мендин ному нишона,
Тоза гулсиз, борманг боди хазона,
Ўтиринг таваккал айлаб худоға.

Алқисса андин сўнг шаҳзодалар қайтдилар. Ҳазрат Али Бобо Равшан
бирла шаҳардан чиқдилар. Шунда Бобо Равшан Ҳазрат Алига мурожаат
қилиб айди:

— Бир ерда кўмиб кўйган дунёнгиз борму?

Ҳазрат Али айдилар:

— Эй бобо, манда дунё нима қилсун!

Бобо Равшан:

— Дунё сизда бўлмаса, манда бўлмаса, кимда экан, — деб бир сўз
дедилар:

Санга келиб беҳбудингни билмадим,
 Кундан-кун, дам-бадам батарсан, дунё.
 Фафлат бирла юрдим, фикр қилмадим,
 Хўб билибман энди ўтарсан дунё.
 Нечалар доманинг тутубдур қўлга,
 Нечани гал бериб чиқариб чўлга,
 Еткурмай манзилга, боражак йўлга,
 Сувсатиб, чарчатиб кетарсан дунё.
 Бир неча улфатинг вақтин хуш этиб,
 Бир нечани мисли учар қуш этиб,
 Бир нечани қайғу, ғамга дуч этиб,
 Барчанинг бошига етарсан дунё.
 Қимор ташламоққа турфа нолибсан,
 Ҳар кимга бир турлук ўйун солибсан,
 Бир нечани кўнглин қамаб олибсан,
 Машғул айлаб охир ўтарсан дунё.
 Бошда тўлғон эмас, асли хомийсан,
 Ҳар киши хуш кўрса, ани молисан,
 Мажлис ичра ажаб пари золисан,
 Қимни ғофил кўрсанг. тутарсан дунё.
 Аввал-охир келган покиза қизсан,
 Маъшуқлар ичинда жондин азизсан,
 Ошиқларга қанду шакар, лазизсан,
 Масту беихтиёр этарсан дунё.
 Бир гўзалсан, отинг дол ила нундур,
 Ғамингдин нечанинг кўз ёши хундур,
 Санга етганларнинг ҳоли забундур,
 Шиква бирла ҳазил қиларсан дунё.
 Бировга берибсан неча кун ривож,
 Бировни айлабсан муфлису қаллож,
 Бировни дастига бериб тахту тож,
 Бировни бировга сотарсан дунё.
 Бир нечалар сафар рахтин яроғлаб,
 Нечалар дод уруб димоғин чоғлаб,
 Мағрибдин машриққа қисматин боғлаб,
 Ҳар кимни ҳар ёна элтарсан дунё.
 Ғам йўлида азим карвондин қолиб,
 Қайғу бирла туман атрофин олиб,
 Кулфат аждаҳоси зеру по қилиб
 Бу Равшан хастани ютарсан дунё.

Алҳисса Ҳазрат Али Бобо Равшанга қараб бир сўз дедилар:

Дунё десанг, Бобо Равшан,
 Кел орқамга, мингил эмди.
 Эсинг кетиб, йиқилурсан,
 Маҳкам кўзинг юмгил эмди.

Қайга борсам, бирга элтай,
Кўз кўрмаган ерга элтай,
Олти ойлик йўлга элтай,
Қароматим кўргил эмди.
Қалложлиқдин бўлдим адо,
Санга қилай жоним фидо.
Қарадорлик қаҳри худо,
Зинҳор ҳазар қилгил эмди.
Бозорга сот мени элтиб,
Мадинага келгил қайтиб.
Қулум, дея мани сотиб,
Сан жуҳудга бергил эмди.
Азиз бошим санга қулдур,
Қарзингнинг иложи шулдур,
Мусулмонсан, дининг бирдир,
Қарадин халос бўлгил эмди.

Алқисса андин сўнг Бобо Равшанни муборак орқаларига миндириб, кўзингни юмгил, дедилар. Ҳазрат Али Оллоҳга ҳамду санолар ўқидилар. Бобо Равшан кўзини маҳкам юмди. Ҳазрат Али боз кўзингни очгин, дедилар. Кўзини очса, бошқа бир шаҳарга келибдур.

Бобо Равшан айди:

— Бу шаҳарни на дерлар?

Ҳазрат Али айдилар:

— Бу шаҳарни шаҳри Барбар дерлар. Мадинадан олти ойлик йўлдур.

Бобо Равшан:

— Бир дамда олти ойлик йўлга келдингиз, нечук баланд парвоз йигитсиз, — деб савол қилди.

Ҳазрат Али жавоб бериб бир сўз дедилар, бу турур:

Бобо Равшан

Қурбонинг бўлайин, эй барно йигит,
Аслинг нечук, баланд парвоз эурсан?
Шижоат бобида шер андом йигит,
Аслинг нечук, баланд парвоз эурсан?

Ҳазрат Али

Майдонга кирганда эрнинг эриман,
Мани сўрсаңг, бобо, Ҳақнинг шериман,
Соҳиби дулдулу зулфиқориман,
Аслим сўрсаңг соҳибқирон эурман.

Бобо Равшан

Пайғамбар олдида навоз айладинг.
Ҳеч ким дам урмади, овоз айладинг.

Олти ойлик йўлга парвоз айладинг,
Аслинг нечук, баланд парвоз эурсан?

Ҳазрат Али

Ҳар ерда ғариблар хабардориман,
Муслмон бандани нигоҳдориман,
Соҳиби дулдуду зулфиқориман,
Асли ўзим соҳибқирон эурман,

Бобо Равшан

Кўнглум Ҳақ ёдина мойил айладинг,
Қароматинг манга зоҳир айладинг,
Ё мави саргапта-сойил айладинг,
Аслинг нечук, баланд парвоз эурсан?

Ҳазрат Али

Ҳайбар ҳисорини вайрон қилурман,
Қофирларга шўри равно солурман,
Муртазомақ ибн Абу Толибман,
Асли ўзум соҳибқирон эурман.

Бобо Равшан

Равшанга айладинг отинг* мубарро,
Юзингда зоҳирдур нури ҳувайдо,
Ё магар эурсан ул шери даргоҳ,
Аслинг нечук, баланд парвоз эурсан?

Ҳазрат Али

Отим Али, арши аъло жойимдур,
Кеча-кундуз ғазо хайрихоҳимдур.
Бовар эт сўзимни, ҳақ нувоҳимдур,
Асли ўзим соҳибқирон эурман.

Алқисса Ҳазрат Али Бобо Равшан ўраган салланинг бир учини муборак бўйинларига боғлаб, бир учини Бобо Равшаннинг қўлига бериб жўнай бердилар. Шунда Ҳазрат Али баҳомни сўрсалар, минг қулни баҳоси дегин, деб бир сўз дедилар, ул бу турур:

Сенга айтай оҳу зорим,
Баҳом топиб сотгин, бобо.
Мундин ўзга йўқдур корим,
Сўзим қабул этгин, бобо.
Бу ишга иҷомсун рақиб,

Хилват айлаб ҳар ён боқиб,
Салланг бўйнулга тоқиб,
Бир учидин тутгин, бобо.
Ман бораи сани изингдин,
Йўлга кириб кетгин, бобо,
Ихтиёримдур қўлингда,
Боқмайман соғу сўлимга,
Бошимни бердим йўлингга,
Бу шаҳарга сотгин, бобо.
Тез баҳога келса қулунг,
Осон бўлур ҳар мушкулунг,
Қўлга олиб нақд пулинг,
Тезроқ мувдин кетгин, бобо.
Қашамшам, де сўрса отим,
Шулдур санга аҳтиётим.
Ҳасайн, Ҳусайн зурриётим,
Борсанг, салом айтгин, бобо.

Алқисса андин сўнг Бобо Равшан Ҳазрат Алини етаклаб шаҳри Барбарни бозорига олиб бордилар. Халқ тамошо қилар эрдилар. Ҳеч кими харидор бўлуб ололмадилар. Бориб подшоҳга айдиларки, бозорга бир қул келибдур, подшоҳга лозим қул эркан. Подшоҳ бир ясовул юборди, бориб олиб кел, кўрай, деди. Ясовул бозорга бориб Бобо Равшанни кўриб айди:

— Эй бобо, сани подшоҳ келсун дейдур, қулни кўрар эрмиш.
Андин сўнг Бобо Ҳазрат Алини етаклаб подшоҳ олдида борди. Подшоҳ

сўрди:

— Эй бобо, шул одам сани қулунгму?

Бобо Равшан:

— Орий, қулум. Бошимга бир мушкул тушубдур, сотарман, — деди.
Андин сўнг подшоҳ Ҳазрат Алига юзланиб сўради:

— Эй йигит, шул бобонинг қулимусан?

Ҳазрат Али:

— Орий, қулиман, — дедилар.

Андин сўнг подшоҳ сўради:

— Бу қулнингнинг баҳосини айт.

Бобо айди:

— Қулумнинг баҳоси минг қулнинг баҳосидур.

Подшоҳ айди:

— Минг қулнинг иши қўлидин келурму?

Шунда Бобо Равшан подшоҳга анинг таърифини қилиб бир сўз деди.

бу туруп:

Таърифотин баён айлай, ёронлар,
Ҳаққа етган оҳу зори бу қулнинг.
Илгинда ожиздур неча полвонлар,
Ҳимоятдур биру бори бу қулнинг.
Ҳақни минг бир оти доим тилида,
Расулни ёридур, Оллоҳга банда.

Зулфжор илгида, салоҳи танда,
Саваш эрур кори-зори бу қулнинг.
Наъра тортса, йиқар тоғу тошларни,
Қасд айласа, олур учар қушларни,
Дунёда биткарар мушкул ишларни,
Йймону эътиқод ёри бу қулнинг.
Тўрт қиличи бордур, белда садоғи.
Минган аргумоғи жаннат буроқи,
Сафар қилса яқин айлар йироғин,
Борму мунда харидори бу қулнинг?
Худо амри бирла бўлди савдоси,
Бу савдога бордур Ҳақни ризоси,
Бобо Равшан деюр: Ўзим мирзоси,
Қўлумдадур ихтиёри бу қулнинг.

Алқисса андин сўнг Марғуб подшоҳ айди:

— Мани уч шартим бордур, аларни биткарса олурман. Бири, дарёнинг бошига минг қул қўйибман, уларга ушбу дарёни боғлаш топширилган, уддасидан чиқолмаслар, ани боғласа. Бири шулдурки, бир аждаҳо пайдо бўлибдур, думидин то бошигача ўн икки фарсах, шаҳримни хароб қилур, ани ўлдурса. Учинчиси, Мадина шаҳрида бир Али деган пайдо бўлубдур, ани боғлаб келтурса, олурман, — деди.

Ҳазрат Али айдилар:

— Бир замонда биткаурман.

Шундан кейин Марғуб подшоҳнинг олмоқлиги вожиб бўлди. У Бобо Равшанга қараб айди:

— Қулунгнинг оти нимадур?

Бобо Равшан айди:

— Қашамшамдур.

Марғуб подшоҳ Бобо Равшанга минг қулнинг баҳосини берди, ўшал кеча меҳмондорлик қилди. Тонг отди. Ҳазрат Али Бобо Равшанга исми аъзамни таълим бериб, йўлга солиб, мундин кетар бўлсанг ҳазрат Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу аълайҳи васалламга салом дегил, деб бир сўз деди:

Мундин кетар бўлсанг, бобо,
Мустафога салом денгиз.
Ғарибларга пушти паноҳ
Раҳнамога салом денгиз.
Анга қурбон хаста жоним,
Юзин кўрсам — йўқ армоним,
Бакр Сиддиқ меҳрибоним —
Авлиёга салом денгиз.
Адолатда Нўширавон,
Майдона кирса, паҳлавон,
Умар отлиқ соҳибқирон —
Шаҳаншоҳга салом денгиз.
Ҳақ йўлинда ибодатли,

Үзи соҳиб маърифатли,
 Ери жоним Усмон отли
 Боҳаёга салом денгиз.
 Сўзлари шақкардин лазиз,
 Ҳазаридир жондин азиз,
 Ҳасан, Ҳусайн соҳиб таъмиз—
 Қарбалога салом денгиз.
 Шижоат баҳрида коним,
 Тошилмас дурри ғалтоним,
 Муҳаммад марди майдоним—
 Маҳлиқога салом денгиз.
 Қашамшам дёр сийна чоким,
 Мунда қолса қабри ҳоким,
 Фотима, Зухра жуфти поким—
 Бовафога салом денгиз.

Алқисса андин сўнг Бобо Равшан Ҳазрат Али бирла видолашиб жў-
 най бердилар. Ҳазрат Али айдиларки, ярим йўлга мани отимни, ярим
 йўлдин сўнг расули худонинг отларини тутуб, кетгил. Андин сўнгра
 Бобо Равшан жўнай бердилар. Ҳар қадамда неча дарёлардин ўтуб, вақти
 куш бўлуб Бобо Равшан Ҳазрат Алининг шаънларига бир сўз дедди:

Етти ёшда халқ ичинда шуъла кўрсатган Али,
 Дастбозу бирла тоғлар тахтидин ўзган Али,
 Зарбат айлаб шаҳри Ҳайбар қалъасин бузган Али,
 Ҳар разога лашкари исломни тузган Али,
 Ҳақ таоло шеридур арш устида кезган Али.
 Тоғу тош титгар эди кўрса ани ҳангомини,
 Англади тутди қулоқга Тангрини фармонини,
 Эрди қин қому зиёда зулфиқор самсомини,
 Асли номи дигари, қўйди Қашамшам номини,
 Ҳар нафасда исми аъзам оятин билган Али.
 Чориёр барҳақ эрур пайғамбара эрди домод,
 Қилур эрди ҳар розийда Мустафо кўнглини шод,
 Жумла асҳоблар ҳама Ҳайдарга қилди эътиқод,
 Лутф этиб ҳаллоқ ағам берди анга дулдули от,
 Тухми кофирни жаҳон айвонидин қирган Али.
 Нафси шайтон барҳам урди номусу орим мани,
 Охиратга юклаган исён эрур борим мани,
 Тонгла мезон устида бўлгил харидорим мани,
 Икки олам мулкида сансан мадакорим мани,
 Бобо Равшан хастани кўнглига жо бўлган Али.

Алқисса андин сўнг олти қадам босиб Мадина музофотиға борди. Ик-
 ки дунё бир қадамдир авлётининг олдида, деб пешин азонини эшитиб вақ-
 ти куш бўлиб Бобо Равшан онҳазрат соллаллоҳу аълайҳи васалламнинг
 шаънларига бир наът айдилар, бу турур:

Сан эурсан икки олам ичра жоним ё расул,
 Меҳрибоним, мушфиқим, шоҳу жаҳоним ё расул,
 Сурайи «Ван-наҷм» эрур одил гувоҳим ё расул,
 Руҳи покинг бўлса шояд меҳмоним ё расул,
 Сан билурсан, ҳақ билур сирри ниҳоним ё расул.
 Барчадин аввал яратти ҳақ санингдек покни,
 Қаддинга кўрди муносиб хилъати лавлокни,
 Кўз очиб юмгунча келдинг сайр этиб афлокни,
 Раҳматингдин ҷоумид этма мане бебокни,
 Сан эшитгил нолаи оҳу фиғоним ё расул.
 Етти осмон арш курси санга берди роҳни,
 Жаброил кўрган эмасдур сан сифатли шоҳни,
 Бир ишорат бирла икки тенг бўлибсан моҳни,
 Қайси васфинга юборсам бу тили кўтоҳни,
 Таърифинга камдур бўлса минг забоним ё расул.
 Икки олам чун туфайлингдин тамоми баҳри бар,
 Муъжиза отинг билан оламга тўлди мушкни тар,
 Барча пайғамбар ичинда сен эурсан бир гуҳар,
 Етти осмон, етти ер сенга имон келтирдилар,
 Салтанат тахтига чиққон соябоним ё расул.
 Гарди наълайнига бўлди аршу курси беқарор,
 Ҷумласи эрди муҳайё қилмадинг ҳеч ихтиёр,
 Осий умматлар учун қилдинг ўзингни хору зор,
 Боғладинг санги қаноат эй шаҳи рафрафсувор,
 Йўқ эрур барҳақлигинга ҳеч гумоним ё расул.
 Онадин топти таваллуд Жаброилдур дояси,
 Исми покингга суянган аршни тўртта пояси,
 Ҳам туфайлингдин эрур икки жаҳон сармояси,
 Доимо бошингда эрди абру раҳмат сояси,
 Салтанат тахтига минган соябоним ё расул.
 Бир шафоат баҳрини бошимга солинг ман учун,
 Бўлмасанг рўйи сиёҳим қилмоғи равшан учун,
 Қарбало даштида қолган етмиш икки тан учун,
 Икки оламни яратти ҳам туфайли сан учун,
 То тирикдурман куёдур хаста жоним ё расул.
 Аввал-охир умид сандин яна беқолу қил,
 Шукриллилоҳ санга тобеъ айлади раб-ул-Ҷалил,
 Балки Нуъмон мазҳабю миллати шундоғ Халил,
 Наътинг ичра арзу ҳол бирла бу равшан хаста дил,
 Ҳамдурур айтай сиза тинмай забоним ё расул.

Алқисса андин сўнг Мадина дарвозасидин кириб, масжидга бориб,
 Онҳазрат соллаллоҳу аълайҳи васалламга салом берди.

Онҳазрат айдилар:

— Алини қайда қўйиб келдингиз?

Бобо Равшан:

— Ҳазрат Алини олти ойлиғ шаҳри Барбарга сотиб келдим, — деб бир сўз дедилар:

Шоҳи олам, сизга арзим сўзлайин,
 Хайлингиз ёдга тушуб келарман.
 Жоним жонингизга қурбон айлайин,
 Ғамнинг бирдобина ботиб келарман.
 Йўлдош айладингиз шери даргоҳни,
 Олти ойлиғ йўлга элтти замони,
 Қул айладим ўшал қиммат баҳони,
 Алини Барбарга сотиб келарман.
 Баҳоси минг қулнинг баҳоси ўлди,
 Шаҳр аҳли йиғилиб кўрмоққа келди,
 Шаҳзодалар учун ўксиниб қолди,
 Ҳасратли хуноба ютиб келарман.
 Эрта чошгоҳ азм айладим Барбардин,
 Қўз юмиб очгунча ошдим Ҳайбардин,
 Неча дарёлардин, неча шаҳардин,
 Бир қадам босганда ўтуб келарман.
 Равшан дер: қолмади кўнглим армони,
 Шукрилиллоҳ бўлди дардим дармони,
 Манга эмди етса ҳақни фармони,
 Охират йўлини тутиб келарман.

Алҳисса андин сўнг ҳазрат расулуллоҳ соллаллоҳу аълайҳи васаллам айдилар:

— Эй бобо, жуҳуднинг қарзини соф қилғил.

Бобо Равшан таъзим қилиб жўнади. Худди шу пайтда ҳазрат имом Ҳасайн ва имом Ҳусайн масжиднинг орқасида ўйнаб юрур эрдилар. Улар Бобо Равшанни кўруб салом бердилар ва қиблагоҳим на жойларда қолди, деб бир сўз дедилар:

Хабар берғил, бобо, қиблагоҳимдин,
 На жойларда қолди соҳибқироним?
 Дини ислом сарвари шаҳаншоҳимдин,
 На жойларда қолди соҳибқироним?

Бобо Равшан:

Смон-эсон эрур дулдул суворинг,
 Қолди қиблагоҳинг шаҳри Барбарда.
 Салом деб юборди кўнгли мадоринг,
 Қолди қиблагоҳинг шаҳри Барбарда.

Ўғлонлар:

Дулдули қаерда, ўзи пиёда,
 Зулфиқори уйда эрур афтода,
 Нечук кенди ҳоли душман арода,
 На жойларда қолди соҳибқироним?

Бобо Равшан:

Зарра парво қилмас юз лак кишини,
Ҳар тарафга отар тоғлар тошини,
Баён айлаб бўлмас қилгон ишини,
Қолди қиблагоҳинг шаҳри Барбарда.

Ўғлонлар:

Ростин дегил, бобо, борму саломат,
Ҳасратидин ишим оҳу надомат,
Андин айрилганим манга қиёмат,
На жойларда қолди соҳибқироним?

Бобо Равшан:

Эрта келур албат мулки жойина,
Кўзум мунтазирдир хоки пойина,
Сотиб келдим кофирларнинг шоҳина,
Қолди қиблагоҳинг шаҳри Барбарда.

Ўғлонлар:

Ҳеч қарорим йўқтур ёзу қишина,
Иложи йўқ эрур тақдир ишина,
Келурмиқан банди бўлса қишина,
На жойларда қолди соҳибқироним?

Бобо Равшан:

Гарчи қаландардур шоҳи оламдур,
Ҳар ерда мусофирдур, беғамдур.
Ҳайбатидин куффор аҳлига ғамдур,
Қолди қиблагоҳинг шаҳри Барбарда.

Алқисса, андин сўнг ҳазрат имом Ҳасайн бирла имом Ҳусайннинг кўнгиллари бузулуб йиғлай бердилар. Баногоҳ Ҳазрат Алининг отбоқари Қамбарбобо аларнинг ҳолини кўриб, имомзодаларга далда бериб бир сўз деди:

Ман билурман кирдорини, норини,
Йиғламанг, имомлар, келур султоним.
Амри шул бўлгондур биру борини,
Йиғламанг, имомлар, келур султоним.
Эрта чашгоҳ жунбуш қилур зулфиқор,
Чарх уриб ўргилур дулдул беқарор,
Равон этсам керак жониби Барбар,
Йиғламанг, имомлар, келур султоним.
Дулдул мивиб изҳор этар мучини,

Йиқар Марғуб шоҳнинг тахту тожини,
 Бўйсунса олур элдин божини,
 Йиғламанг, имомлар, келур султоним.
 Эрта пешин йўлга тушур зулфиқор,
 Ҳайбатидин титрар ер бирла осмон,
 Қахр айласа қилур ер бирла яқсон,
 Қирқ тева зар ортиб мисли Бозиргон,
 Йиғламанг, имомлар келур султоним.
 Дулдул миниб зулфиқори белинда,
 Ҳайбат бирла боқиб соғу сўлинда,
 Қамбар бобонг пешвоз чиқар йўлинда,
 Йиғламанг, имомлар, келур султоним.

Алқисса, андин сўнг Бобо Равшан жуҳуднинг уйига қараб жўнай бердилар ва жуҳуднинг эшигига бориб бир сўз дедилар:

Бизга ёр ўлди. Мустафо,
 Чиқ уйингдин, келгин жуҳуд.
 Қўлладилар шери худо
 Тайин бовар қилгин, жуҳуд.
 Раҳм айлаюб қўлум тутти,
 Бир дамда Барбарга етти,
 Маним учун ўзин сотти,
 Бул ҳикматни билгил, жуҳуд.
 Минг ашрафий бир чош бўлур,
 Судхўрни вақти хуш бўлур,
 Сони икки юз беш бўлур,
 Олиб халос қилгил, жуҳуд.
 Зар берар суйган қулига,
 Хушим йўқ дунё пулига.
 Қирдим ҳақиқат йўлига,
 Равшан айтур: билгил, жуҳуд.

Алқисса, андин сўнг Яҳудо жуҳуднинг уйидин чиқти. Бобо Равшан қарзини бериб уйига борди, жума оқшом бонури иймон дунёдин ўтти.

Энди сўзни Ҳазрат Алидин эшитинг. Ҳазрат Али Бобо Равшанни узотиб Марғуб подшоҳнинг қошига бордилар. Марғуб подшоҳнинг Машҳур ва Мақбул деган вазирлари бор эрди.

Вазирларидин бири подшоҳга айди:

— Ул қулингизни синаб кўринг, баъд хизмат буюринг, кўнгуллари тинсун.

Марғуб подшоҳнинг Ғайғам деган паҳлавони бор эрди, кунда юз нон, юз қўйнинг гўштини ер эрди, юз ўттуз газ олмос пораси бор эрди, белига сукуб, каркани миниб жўнай берди. Бориб, Ҳазрат Алини кўзга илмай, подшоҳига бир сўз айтқонидур:

Ҳар етар-етмасга қўлумдур олмос.
 Ким биза дуч бўлса — ўлар, султоним.

Айтган сўзинг қулоғимга қор эмас,
 Ҳалон халқи ҳавас қилар, султоним.
 Ёшлигинда паймонаси тўлмасин,
 Гунчаликда тоза гули сўлмасин,
 Ҳали керак бўлар бекор ўлмасин,
 Мажлисда косагул бўлар, султоним.
 «Лотимманот» доим эрур тилимда,
 Юз ўтуз газ олмос пора белимда,
 Бори беклар нобуд бўлур қўлимда,
 Юрагингда армон қолар, султоним.
 Отга миниб майдон уза чиқарман.
 Аччиқлансам, тоғу тошни йиқарман,
 Юзунгизга қаҳрим билан боқарман,
 Хотирингга маъдул келар, султоним.
 Ғайғам айтур хизматингда келибман,
 Бир ғавғолик саваш ҳавас қилибман,
 Кеча-қундуз, ажаб, дилғир бўлубман,
 Ҳар ким ўз ҳолини билар, султоним.

Алқисса андин сўнг Ҳазрат Али Ғайғамнинг бу сўзини эшитиб, садди
 роҳини олиб бир сўз дедилар, бу турур:

Бир худойим қулиман,
 Кел, паҳлавон, олишали.
 Ер юзида бир валиман,
 Кел, паҳлавон, олишали.
 Нечани кўрдим, кечирдим,
 Ажал шаробин ичирдум,
 Неча шаҳарни кўчурдум,
 Кел, паҳлавон, олишали.
 Хуш йигит дўнмас майдондин,
 Қиличимни бўяб қондин,
 Қуфр аҳли қутулмас мандин,
 Кел, паҳлавон, олишали.
 Келмасанг, армон этарман,
 Ер юзини қон этарман,
 Сани неча сон этарман,
 Кел паҳлавон, олишали.
 Томоша кўрсатиб хона,
 Олишали дона-дона.
 Қашамшам кирди майдона,
 Кел, паҳлавон, олишали.

Алқисса, андин сўнг Ғайғам юз ўттуз газ олмос порасини кўтариб ҳез
 қилди. Марғуб подшоҳ тахтидан ўзини ташлади ва Ғайғамга айти:

— Сен қилччингни ташлаб, икковинг олишиб кўр.

Ҳазрат Али подшоҳга айтилар:

— Сан ўртадин чиқ, майли, қилчи билан кела қолсин. Ғанимнинг

қиличи бўлса, менинг қодир худойим бор, — деб Марғубшоҳга бир сўз деди:

Қилич кофир қўлинда,
Яккаман, ёлғиз худойим бор.
Бошим диннинг йўлинда,
Ҳақ расул отлиғ гувоҳим бор.
Эшит ман қул ғариб арзин,
Сотиб бердим жуҳуд қарзин.
Бажо келтирдим ҳақ фарзин,
Сахий қилғон Илоҳим бор.
Абу Бақр, Умар, Усмон,
Неча кофир йўлин тўсқон,
Давоми дин йўлин очқон
Алидек чорёрим бор.
Синабсан пири Ҳайдарни,
Олибман шаҳри Ҳайбарни.
Солиб динга неча шарни,
Ки, дулдул, зулфиқорим бор.
Сотиб олдинг Қашамшамни,
Қурашга солди ғанимни.
Тўкайин мен қизил қонни.
Урушга интизорим бор.

Ҳазрат Али шу сўзни дедилар ва бир сакраб Ғайғамнинг қиличини тортиб олиб отиб юбордилар. Кейин Ғайғамнинг қўлидин тутуб кўкраги бирла суғуруб ўз қўли бирла калласига андоғ урдиларки, боши ёрилди. Кофир қўрқуб подшоҳга айди:

— Эй шоҳим, хизматинг бўлса тез буюр, йўқса шаҳрингни хароб қилур.

Анда Қашамшамнинг ишини кўриб, Марғубшоҳ: «Бизнинг қулимиз қалай?» — деди.

Анда кофирлар подшоҳга Қашамшамни мақтаб бир сўз деди:

Балли, шоҳим, олган қулинг
Али соҳибқирон ўхшар.
Ҳалол экан берган пулинг,
Ҳақ муродинг берган ўхшар.

Қўлидин тортиб ғанимни,
Бадандин олди жонини.
Ерга тўкиб ол қонини,
Кўп аччиғи келган ўхшар.

Марди-майдон билур ўзин.
Худога айтадур сўзин.
Эрталоқ йўқотгил кўзин.
Жонимизни олар ўхшар.

Ушбу қулинг қилур қилоб,
Тўлғонадур мисли симоб.
Ғанимни ўлдириб, синаб,
Кўнглимиз ҳам тинғон ўхшар.

Минг қул ётур дарё ишлаб,
Боғлай олмай кўзин ёшлаб.
Эрталоқ юборгил бошлаб,
Тоғу тошни йиқар ўхшар.

Ман-ман деган умр шоҳни,
Қўл узатса, олур моҳни.
Юз минг бўлса аждарҳони,
Ёлғиз ўзи ютар ўхшар.

Андин сўнг подшоҳ айди:

— Эй Қашамшам, бизнинг бандалар бошига оғир кулфат тушубдур
Дарёнинг бошига минг қулни қўйганман, ани боғлаб уддасидин чиқол
мас, деб бир сўз деди:

Санга изҳор айлай кўнглим муроди,
Бўлгил хизматга қоим, Қашамшам.
Хабар олгил сарчашмаи дарёдин,
Минг қулум бор ишлар доим, Қашамшам.
Зўрлигингни элтиб ушбу наҳарга,
Ул дарёни боғлаб боргил аждарга,
Йўқса бисёр зарар қилур шаҳарга,
Моли мулким хароб этар, Қашамшам.
Минг ғулом тош тўқар тинмай ҳар замон,
Зарра камаймасдур суви, паҳлавон,
Темирчи бор, белу кетмон фаровон,
Бор ошпазим, бор нонпазим, Қашамшам.
Боргил амди бунда турмагил асло,
Ташна бўлсанг, оқар ёнингда дарё.
Ғар очиқсанг нози-неъмат муҳайё,
Гўшту шўрва, палов бордур, Қашамшам.
Марғуб шоҳ дер: эшит оҳу зоримни,
Инъом этай хазинада боримни,
Кўнглум тинсун-тамом айла коримни,
Олгил отлар ҳам сарпойим, Қашамшам.

Алқисса, андин сўнг Ҳазрат Али Марғуб подшоҳдин фотиҳа олиб
сарчашмаи дарёни боғламоққа бордилар. Шаҳри Барбардин чиқиб, бу
муножотни ўқудилар:

Икки олам ичра улуғ подшоҳсан,
Қодир Оллоҳ, сан билурсан ҳолимни.
Банданинг ҳолидин доим огоҳсан,

Қодир Оллоҳ, сан билурсан ҳолимни.
 Ҳа вужудинг пайдо қилди ўзингни,
 Олам изҳор айлаб элга сўзингни,
 Олам ичра очиб қудрат кўзингни,
 Қодир Оллоҳ, сан билурсан ҳолимни.
 Йўқдин бор айладинг кулли ашғни,
 Қудрат бирла қилиб арзу самғни,
 Аршу курси лавҳу қалам ағни,
 Қодир Оллоҳ, сан билурсан ҳолимни.
 Муқаддамдур асли зотинг биниси,
 Ибтидоси йўқдур ҳам интиҳоси,
 Барча махлуқотнинг дардин давоси,
 Қодир Оллоҳ, сан билурсан ҳолимни.
 Иброҳим Халилга фармон айладинг,
 Исмоил бошини қурбоғ айладинг,
 Жаннатдин қўй бериб осон айладинг,
 Қодир Оллоҳ, сан билурсан ҳолимни.
 Айюбни айлаб қурт балога тирифтор,
 Юсуфни зиндона айлаб сазовор,
 Қашамшамни халқ айлаган биру бор,
 Қодир Оллоҳ, сан билурсан ҳолимни.

Алқисса, андин сўнг Ҳазрат Али неча соат йўл юриб дарёга етдилар.
 Анда бир туп арча бор эрди, ани арча туп дер эрдилар. Сояси уч таноб
 ерни олур эрди. Ушал жойга бориб дулдул бирла зулфиқорни йўқлаб
 бир сўз деганлари бу туруп:

Бу кун даркор бўлдинг тоғу тошларда,
 Дулдул бирла зулфиқорим, кел эмди.
 Хамроҳим эурсан мушкул ишларда,
 Дулдул бирла зулфиқорим, кел эмди.
 Фасих тилда манга салом айладинг,
 Забону ҳол ила калом айладинг,
 Солганда тоғларни қалам айладинг,
 Дулдул бирла зулфиқорим, кел эмди.
 Сан эурсан дин йўлида чирғим,
 Ҳақ таоло берган отим, яроғим,
 Йироқларни яқин қилган буроғим, —
 Дулдул бирла зулфиқорим, кел эмди.
 Бир гараҳҳум айлаб келгин қошима,
 Айланиб, ўргулуб тегра дошима,
 Хумоюндек соя осдиб бошима,
 Дулдул бирла зулфиқорим, кел эмди.
 Сан эшитгин фарёдини Алини,
 Мусофир юртларда сўргил ҳолини,
 Кўзла бул кун шаҳри Барбар йўлини,
 Дулдул бирла зулфиқорим, кел эмди.

Алқисса, андин сўнг дулдул бирла зулфиқорларига Ҳазрат Алини йўқлаганлари аён бўлди. Дулдул кишнаб, ҳазрат бобо Қамбарнинг олди-га келди. Бобо Қамбар дарҳол эгарлаб тайёр қилди. Зулфиқори ҳам жунбушга келиб ҳарамидин чиқиб келди. Бобо Қамбар зулфиқорини ҳамойиш қилиб, эгарнинг қошига солиб, дулдулни узотиб юборди. Авлиё каромати бир дамда ҳозир бўлди. Ҳазрат Али дулдул билан зулфиқорини кўриб, хушвақт бўлиб, дулдулни ўтга қўйиб зулфиқорларини муборақ белларига боғлаб, минг қулларни бошига келиб, бир сўз дедилар:

Ман эрурман марди майдоннинг,
Боринг, қуллар, боринг, озод айладим.
Амр этиб юборди бизни султонинг,
Боринг, қуллар, боринг, озод айладим.
Шоҳ Марғуб олди турфа ғуломи,
Сизларга юбормиш биздин паёми,
Қайда бўлса борсун жойи макони,
Боринг, қуллар, боринг, озод айладим.
Минг қулни баҳоси бўлди хариди,
Шул маҳалда олдингизга юборди.
Шукр айлангиз — шўрларингиз ариди,
Боринг, қуллар, боринг, озод айладим.
Озод бўлмоқ эрур қулни армони,
Шундай бўлди бизга ҳақни фармони.
Ҳақиқат арслони боғлар дарёни,
Боринг, қуллар, боринг, озод айладим.

Алқисса, андин сўнг қуллар озод бўлиб кетдилар. Бир Ҳабаш деган қул улардан айрилиб қолди, бориб бир камарда ётди, нечук ёлғуз дарёни боғлар экан, деб қараб ётди. Ҳазрат Али зулфиқорларини ғилофидин чиқориб ёздилар, юз газ бўлди, тоғни тубидин чоғлаб урдилар, кесиб кетди. Ҳазрат Али тоғни қучоқлаб келтуруб дарёга бостилар, бир қатра сув ўтмади, маҳкам бўлди. Ҳазрат Али исми аъзамни ўқуб беш панжаларини урдилар, тошга мисоли мумдек ботиб кетди. Қўлларининг ўрни-дин ўн саккиз анҳор сув оқиб кета берди. Ҳабаш қул бу кароматни кўруб Ҳазрат Алидин савол қилгани, Ҳазрат Али жавоб берганлари:

— Нечук паҳлавонсан олий ҳимматли,
Кўриклик арслоним, қайдин бўлурсан?
Ғайратли, журъатли, зўрли, шавкатли,
Машҳурий давроним, қайдин бўлурсан?
— Отим Қашамшамдур, шоҳнинг ғуломи,
Дин йўлини қурбониман ҳазора.
Қулоғимга келур Ҳақнинг илҳоми,
Арши-қурши дарбониман ҳазора.
— Тарзингдин билурман — жойинг йироқдур,
Минганинг минақош нақши буроқдур,
Қиличинг тош кесар начук яроқдур,
Оламда султоним, қайдин бўлурсан?

— Минган отим Оллоҳ берди ғойибдин,
Зулфиқорим келди саттор уюбдин.
Қувватим етишти Оллоҳ ғойибдин
Қуфр аҳлининг қурбониман ҳазора.

— Сендек ўғил туғмас ҳаргиз онадин,
Пайдо бўлди қайси гавҳар донадин,
Парвоз этдинг қайси манзил хонадин,
Эй баландпарвозим, қайдин бўларсан?

— Мадина шаҳридур манзил — маконим,
Муҳаммад пайғамбар охир замоним,
Ҳасан, Ҳусайн эрур икки ўғлоним,
Ман аларни посбониман ҳазора.

— Олти ойлиғ йўлда бўлса қароринг,
Мусофир меҳмоним, қайдин бўлурсан?

— Бир нафасда ер юзини кезарман,
Ғанимни кўрганда бошин узарман,
Муслмон бандани корин тузарман,
Кеча-қундуз жўбориман ҳазора.

— Ҳабаша дер санга қурбон бу жоним,
Қўнғилда шул эрур орзу армоним,
Ман ғулومинг бўлсам, аё султоним,
Аждаҳо нишоним, қайдин бўлурсан?
— Қашамшам дер бада бўлсанг Оллоҳга,
Умнат бўлсанг пайғамбари худога,
Санга ҳамдам бўлай икки дунёда,
Ислом элин қурбониман ҳазора.

Алқисса, андин сўнг Ҳабаш айди:

— Эй Қашамшам, шул қиличингни нечук уста ясаб эрдик, тоғни
сувдек кесиб кетти?

Шунда ҳазрат Али зулфиқорларини таъриф қилиб бир сўз дедилар:

— Бил ҳазора шамширимнинг номини,
Ғанимларнинг йўлин тўсар зулфиқор.
Мисли аждаҳодек очиб комини,
Шаҳарларни ёлғуз бузар зулфиқор.
Саваш куни Ҳақнинг ёди тилинда,
Юз лак лашкар бўлса соғу сўлинда,
Кесар бўлса жунбуш қилур қўлумда,
Силтаганда юз газ ўсар зулфиқор.
Олур душманларнинг садди роҳини,
Қўкларга чиқарур кофир оҳини,
Етти ер остида гавҳар, моҳини,
Ғазаб бирла солсам кесар зулфиқор.
Қабзасидир нақши жаннат илҳоми,
Анга етмас ҳаргиз душман зарари,
Қор айламас сехр жоду асари,
Узини дулдулга осар зулфиқор.

Азроил сув бериб даста кўндирган,
Жаброилдур кўкдин ерга эндирган,
Қашамшам кофирни динга кўндирган,
Захарлик мор каби кесар зулфиқор.

Алқисса, андин сўнг Ҳабаш айди:

— Ўзингиз мунча забардаст соҳибқирон бўлмасангиз, зулфиқорингиз мунча ўткур бўлмас эрди, динингиз рост, худойингиз ва расулингиз барҳақ экан, нима қилсам мусулмон бўлурман, — деди.

Ҳазрат Али айдилар:

— «Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур росулulloҳ», кейин «Ашҳаду ал-ла илаҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва росулуҳ» дегил, дедилар.

Ҳабаш Ҳазрат Алининг айтганларини такрорлади. Ҳазрат Али айдилар:

— Тўрт чориёрни бир кўзда кўргил, — дедилар.

Бобой Ҳабаш айди:

— Худони билурман, сизни билурман, — деди.

Ҳазрат Али айди:

— Қайта бадтар кофир бўлдинг.

Бобой Ҳабаш яна бошдин эътиқод бирла мусулмон бўлди. Ҳазрат Али Ҳабашга насиҳат қилганлари бу турур:

Кимки доҳил бўлса дини ислома,
Худойини бешак билмак керакдур.
Кўнгил бериб шаръиатга аҳкома,
Мустафога уммат бўлмак керакдур.
Ғайри диннинг иши доим касофат,
Мўмин топар кунда файзу шарофат,
Кеча-кундуз қилиб тоат-ибодат,
Наҳин ташлаб, амрин тутмоқ керакдур,
Дини ислом илгида кўндир фароғат,
Рўза, намоз ила ҳайрий саҳоват.
Кофир аҳлин билсанг мисли најосат,
Сухбатидин йироқ бўлмоқ керакдур.
Тилларида доим зикру саноодур,
Маҳшар куни умматларга фаноодур,
Тўрт чориёр мисли улуғ дарёдур,
Ғаввос бўлуб ўзин солмоқ керакдур.
Абу Бакр Сиддиқ нури сафоодур,
Умар одил, Усмон соҳиб ҳаёдур,
Қашамшам дер Али шери худодур,
Тўртгасин бир кўзда кўрмоқ керакдур.

Алқисса андин сўнг Ҳазрат Али айдилар:

— Эй бобой Ҳабаш, сани авлодинг мусулмонликка мойил бўлсун, ҳар ким сани авлодингни қул қилиб хизмат буюрса, етмиш пуштига лаънат ёғар дедилар.

Бобои Ҳабашнинг вақти хуш бўлуб, мастон бўлуб, шукронасига Ҳазрат Алини муборак бошларидин айланиб бир муҳаммас ўқуди:

Эй азизим, сан дилим муфтоҳини во айладинг,
Йўл йитурган мендек аъмоларни бунёд айладинг.
Манга хўб давлат эрурсан, сайри саҳро айладинг,
Шукрилиллоҳ, ман гадони эл аро шод айладинг,
Кўнглимда ҳақ ишқини шул дамда пайдо айладинг.
Барчаси эркан абас ўтган аввалги моҳу сол,
Ким бу фўрсат хуш урарки қилмасанг завқи хаёл,
Сийнам узра жой олибдур илми ҳоли илми қол,
Қўрқаман манга бу давлат бўлмагай хобу хаёл,
Барқ янглиғ талъати дилни ҳувайдо айладинг.
Бу Ҳабаш мискин санга бўлсун ғуломи бедарам,
Ҳар муборак пойинга жонимни қурбон айларам,
Канда бўлди хотиримдин ғаму кулфат андоғам,
Истионат бўлди сиздин, Ҳақ таолодин карам,
Аё меҳмон, хонаи дилни мусаффо айладинг.

Алқисса, андин сўнг Ҳазрат Али айдилар:

— Боргил, бобо, озоди икки жаҳон айладим.

Бобои Ҳабашнинг вақти хуш бўлуб таъзим қилиб, жўнай берди, ўз юртига бориб макон қилиб ўлтурди. Мушинг авлоди уч минг уйлик жамоат бўлуб, бари мусулмон бўлди. Бир кам минги нарига ўтуб кеттилар, алар кофир бўлди.

Ҳазрат Али дарёни боғлаб шаҳарга бориб Марғуб шоҳни кўрдилар.

Подшоҳ айди:

— Эй Қашамшам, дарёни боғладингму?

Ҳазрат Али айдилар:

— Орий, боғладим.

Подшоҳ бир ясовул юборди, бориб кўриб келди. Ясовул подшоҳга таъзим қилиб айди:

— Эй подшоҳим, Қашамшам дарёни хўб эҳтиёт бирла боғлабдур.

Ҳамма ўлтурганлар таҳсин ва офарин айдилар. Подшоҳ Мақбул ва-зирга ишорат қилиб бир сўз деди:

Бу кун бориб тўқуш бўлгил аждарга,
Ўз худойинг ёринг бўлсин, паҳлавон.
Сандин бир от қолсин бизни элларга,
Ўз худойинг ёринг бўлсин, паҳлавон.
Турфа баҳайбатли бир улуғ жондур,
Яккасан, ёнингда йўқдир ҳеч ғамхўр.
Ҳиммат айла, ожиз бўлсин ул аждар,
Ўз худойинг ёринг бўлсин, паҳлавон.
Кўрганда ўзингни эҳтиёт айла,
Эсингни олганда олмосни чоғла,
Боргунча Оллоҳга муножот айла,
Ўз худойинг ёринг бўлсин, паҳлавон.

Дам тортганда тоғни олур комига,
 Ишқирганда тоғлар учар самога,
 Санинг учун йиғлай лоти манотқа,
 Уз худойинг ёринг бўлсин, паҳлавон.
 Юз минг кўшин кетар оғзига пайваст,
 Оти бироқ жодугоҳи якка даст.
 Қулли махлуқ ичра турфа забардаст,
 Уз худойинг ёринг бўлсун, паҳлавон.
 Ўн икки фарсахдур қадди баста,
 Гўё ер юзини тутадир рости.
 Омон-эсон келсанг шоҳни давлати,
 Уз худойинг ёринг бўлсун, паҳлавон.
Мақбул айтур: мадад берсин худойинг,
 Биру боринг бўлсин сани паноҳинг,
 Минг аждарҳо бўлса йиқар авлодинг,
 Уз худойинг ёринг бўлсин, паҳлавон.

Алқисса, андинг сўнг Ҳазрат Али аждарга қараб жўнай бердилар.
 Шаҳардин чиқиб тамом пайғамбарларни ёд этиб бир сўз дедилар:

Еру кўкни хақ айлаган ё раҳмон,
 Бу кун менга мадад берар кунингдур.
 Барча мушкул сани олдинда осон,
 Бу кун менга мадад берар кунингдур,
 Нечук махлуқ экан билмам ул аждар,
 Ўн икки фарсахдур, қомати яксар,
 Баҳаққи ҳурмати жумла пайғамбар,
 Бу кун менга мадад берар кунингдур.
 Қашамшам дер шамси зиё ҳақидин,
 Ой-ю юлдуз, арзу само ҳақидин,
 Ўн саккиз минг слам, дунё ҳақидин,
 Бу кун менга мадад берар кунингдур.

Алқисса, андин сўнг Ҳазрат Али аждарга борур эрдилар. Назар сол-
 салар, аждарҳо тоғдек ётибдур. Ҳазрат Али наъра тортдилар. Замину за-
 мон ларзага келди. Аждарҳо ўшқуруб, бир дам тортти. Ҳазрат Алининг
 оёғлари унда-мунда бўлиб кетти. Худои таоло Ҷаброил алайҳиссаломга
 айдилар:

— Бориб ҳабибимга хабар бер, шеримни тамошо қилсунлар.

Ҳазрат Ҷаброил расули худога бул сўзни айтиб, ўттиз уч минг саҳо-
 ба бирла баландга чиқдилар. Ҳазрат Ҷаброил алайҳиссалом айдилар:

— Келиб мани қўлумнинг орасидиң қаранглар.

Расули худо ўттиз уч минг саҳоба бирла қарадилар. Ҳазрат Али
 аждарга борур эрдилар. Анда Ҳазрат Али расули худони йўқлаб бир сўз
 дедилар:

Бу дардимга айланг дармон,
 Ё Мустафо, сиздин мадад.

Юзин кўрмай ўлсам-армон,
 Ё Мустафо, сиздин мадад.
 Эрурсиз ҳақни ҳабиби,
 Икки жаҳон андалиби,
 Бўлинг дардимни табиби,
 Ё Мустафо, сиздин мадад.
 Манзилдингиз меърож эрур,
 Бошингизда лангар тож эрур,
 Али сизга муҳтож эрур,
 Ё Мустафо, сиздин мадад.

Алқисса, андин сўнг Ҳазрат Алини ҳоллари Расулulloҳ соллalloҳи аълайҳи васалламга аён бўлуб, худон таолога бу муножотни айдилар:

Ҳукми кулли оламсан,
 Ҳукминг бўлса, фармон эт.
 Эрурсан қодир барҳақ,
 Ўзунг мушкулни осон эт.
 Алини санга топширдим,
 Мадад қил, подишоҳимсан.
 Бу кофир аждар бисёр зўр,
 Худовандо, сан осон эт.
 Ажаб бир баднамо маҳлуқ,
 Мисоли кўҳҳо мундек,
 Алига сан бериб ҳиммат,
 Бу аждарни паришон эт.
 Йигирма ёшқа кирганда,
 Шерим деб ваъда қилдинг сан,
 Шерингни зарби дастидин
 Ани ер бирла янсон эт.
 Карам қилгил Алига сан
 Бу маҳлуқни адам қилсун.
 Алини эрлигин бул
 Жаҳон ичра намоен эт.
 Асадуллоҳ валидур деб
 Алини ёд этибдурсан,
 Ани бир наърасидин
 Ушбу аждарни осон эт.
 Сабаб недур бу аждарга
 Али бориб дучор ўлди.
 Қалам айлаб кесиб ўтсун
 Зулфиқорини борон эт.
 Муҳаммад дер, худовандо,
 Алини санга топшурдум.
 Омон эт жумла душмандин
 Ўзинг васлинта қурбон эт.

Алқисса андин сўнг пайғамбар соллalloҳи аълайҳи васалламнинг

дуолари худои таолонинг даргоҳига қабул бўлди. Ҳазрат Алига зўр ато қилди. Ҳазрат Али ўзларини тўхтатиб бир наъра тортдилар. Худди Исрофил сурни чалгандек бўлиб қолди. Аждарҳо карахт бўлди ва юқорига кўтарилди. Ҳазрат Алини зулфиқори билан дамига тортди. Ҳазрат Али аждарҳонинг оғзига зулфиқорнинг юзини қарши қилиб кетаберди. Ушандоғ аждар икки бўлунуб кетти. Ҳазрат Али подшоҳга нишона, деб аждарҳодин бир тасма олдилар. Шундан кейин Ҳазрат Али таъсирланиб, аждарҳонинг ўлганига кўнгиллари бузилиб, бевафо дунёдин шикоят қилиб бир сўз дедилар:

Бевафо дунёсан, охир ўтарсан,
Санга келиб кимни кўнгли шод ўлди?
Беҳбудинг йўқ, кундин-кунга батарсан,
Санга келиб кимни кўнгли шод ўлди?
Ҳазрати Одамни ҳайрон айладинг,
Ҳавона чашмини гирён айладинг,
Нуҳ қавмини ғарқи тўфон айладинг,
Санга келиб кимни кўнгли шод ўлди?
Тур тоғида айгур Мусо розини,
Ўз нурингдин қилдинг ҳазрат Исони,
Бошин арралатдинг ул Зикриёни,
Санга келиб кимни кўнгли шод ўлди?
Иброҳим Халилни ташлатиб нора,
Мансурни бошини остирдинг дора,
Ҳазрати Юсуфни солдинг бозора,
Санга келиб кимни кўнгли шод ўлди?
Луқмонни дардига даво айладинг,
Идрисни мискинга маъво айладинг,
Ҳар кимга ҳар турлук савдо айладинг,
Санга келиб кимни кўнгли шод ўлди?
Не подшоҳлар юриш айлаб устингдин,
Атрофингдан юрар дуншман хастингдин,
Охир армон билан ўлар дастингдин,
Санга келиб кимни кўнгли шод ўлди?
Ҳашамшам дер: сандин топмадим беҳбуд,
Улуғ аждарҳони айладим нобуд,
Ҳосил бўлмас сандин ҳеч кимга мақсуд,
Санга келиб кимни кўнгли шод ўлди?

Алқисса, андин сўнг Ҳазрат Али бориб Марғуб подшоҳни кўрдилар. Аждарҳодан олган нишонани қўйдилар. Ҳама халқ кўриб таҳсин ва офарин айтдилар. Анда Марғуб подшоҳ Ҳазрат Алини таъриф қилгани бу турур:

Ҳақиқатли арслон экан,
Мани беармон айлади.
Гўёки бир Луқмон экан,
Дардимга дармон айлади.
Олдим бу қиммат баҳони,

Боғлади улуғ дарёни,
 Хам ўлдуруб аждарҳони,
 Мушкулум осон айлади.
 Шаҳримда кўп эрди зарар,
 Лоф айлади манга шазар,
 Дарё била улуғ аждар,
 Юрак-бағрим қон айлади.
 Ҳалол экан берган пулум,
 Соҳибқирон чиқти қулум,
 Бўлиб эди сиёҳ дилим,
 Кўнглимни равшан айлади.
 Марғуб шоҳ дер ана давлат,
 Ана ғайрат, ана ҳиммат,
 Ишрат этинг дам ғанимат,
 Кўнглимни шодмон айлади.

Алқисса, андин сўнг Марғуб подшоҳнинг Матлабхон деган созандаси бор эди. Умар Анзаршоҳнинг маҳрами эрди. Умар Анзар шаҳри Ҳайбарнинг подшоҳи эрди. Ҳазрат Али карамоллоҳ вақжаҳу фатҳ қилиб подшоҳ Умар Анзарни ўлдуруб эрдилар. Матлабхон Умар Анзардан қолиб, келиб Марғуб шоҳга хизмат қилиб юрур эрди. Ҳазрат Алини кўруб таниб подшоҳга қулунг Али экан, деб бир сўз деди:

Шоҳи Марғуб, эмди қайтти давлатинг,
 Бу қулингни асли оти Алидур.
 Ажал етиб энди ўтди навбатинг,
 Бу қулингни асли оти Алидур.
 Бир далолат айла дини ислома,
 Отини айтмасанг қилур ҳангома,
 Жанг бобида қилур чархий анжома,
 Бу қулингни асли оти Алидур.
 Майдонга кирганда эҳтиёти бор,
 Ҳар тарафга учар каромати бор,
 Етти осмон қўйган етти оти бор,
 Бу қулингни асли оти Алидур.
 Умар Анзар деган бир эр бор эрди,
 Ўзи қаторинда деган нор эрди.
 Икки арслон бир-бирига ёр эрди,
 Бул қулингинг асли оти Алидур.
 Бошига санчибдур минг ботмон тожи,
 Етти минг шаҳардин олибдур божи,
 Етмади бу қулга аларнинг кучи,
 Бу қулингни асли оти Алидур.
 Бир отида саксон нўхта бор эрди,
 Ҳар нўхтасинг қирқ паҳлавон тутарди,
 Оти бирла кўкка отиб юборди,
 Бу қулингни асли оти Алидур.
 Матлабхон дер: шоҳим, бўлунг хабардор,

Бир залолат еткурмасун боякбор.
Наъра тортса, келур дулдул, зулфиқор,
Бу қулингни асли оти Алидур.

Андин сўнг Марғуб шоҳ Ҳазрат Алига қараб бир сўз деди:

Аввал бошдин сен боғладинг дарёни,
Алимусан, ўзгамусан — баён эт.
Дафъ этарсан ердин келган балони,
Алимусан, ўзгамусан — баён эт.
Ўзунгни соттириб шаҳри арода,
Қайдин келдинг мунда пойи пиёда,
Рустам қилмас мунча ишни дунёда,
Алимусан, ўзгамусан баён эт.
Бизга бутун зўрлигингни билдурдинг,
Кўп қилмаган ишни ёлғуз тиндирдинг,
Шундайин зўр аждаҳони ўлдурдинг,
Алимусан, ўзгамусан — баён эт.
Топширайин сани лоти худога,
Али бўлуб бизни солма балага,
Лотни ҳаққи ёлғон солма арога,
Алимусан, ўзгамусан — баён эт.
Марғуб шоҳ дер хабар бергин бу соат,
Билолмадим, кўнглим бўлди хижолат,
Санда бордур мунча зўру шижоат,
Алимусан, ўзгамусан — баён эт!

**Андин сўнг Ҳазрат Али айди: Али эмасман десам, ёлғончи бўлурман
деб ҳарна бўлса рост сўз сўзлайин деб кофирларга қараб бир сўз деди:**

Бовар айланг куффор эли,
Ман-ку эмас, ман ҳам Али.
Ҳозир турган рақиб халқи,
Ман-ку эмас, ман ҳам Али.
Шаҳри Шила эрур жойим,
Кеча-кундуз ҳақ паноҳим,
Аршу курси манзилгоҳим,
Ман-ку эмас, ман ҳам Али.
Манзилимдин туштим йироғ,
Киши билмас мандин сўроқ,
Доманимда гарди фироғ,
Ман-ку эмас, ман ҳам Али.
Манинг отим Қашамшамдур,
Йироқ дарди кўп аламдур,
Икки дунё бир қадамдур,
Ман-ку эмас, ман ҳам Али.
Йироқман дўст-ёрлардин,
Бир неча озодалардин,

Ун саккиз шаҳзодалардин,
Ман-ку эмас, ман ҳам Али.
Қашамшам дер: охир мақсуд,
Қуфр элини қилай нобуд,
Шаҳри Барбар бўлса мавжуд,
Ман-ку эмас, ман ҳам Али.

Алқисса андин сўнг Марғуб шоҳ айди:

— Паҳлавон халқи ёлғон айтмас. Бу Али эмас, Қашамшам экан. Икки хизматимни тиндурди, эмди Алига буюрурмиз.

Машҳур Мақбул вазир:

— Эй паҳлавон, Алини бошлаб келтурунг, подшоҳимиз санга инъом беруб озод қилур, — деди. Зинҳор тирик келтур, деб бир сўз дегани бу турур:

Эй паҳлавон, санга арзим сўзлайин,
Бориб, бизга тутуб келтур Алини.
Лаъли жавоҳирдин нисор айлайин,
Бориб бизга тутиб келтур Алини.
Давлатим барини барбод айлайин,
Паҳлавонлар ичра устод айлайин,
Қўп инъомлар бериб озод айлайин,
Бориб, бизга тутуб келтур Алини.
Тарқатгин сан кўнгилларни ғуборин,
Биру боринг коринг бўлсин мадоринг,
Берай бу шаҳарнинг кул ихтиёрин,
Бориб, бизга тутуб келтур Алини.
Машҳур айтур: доим бохабар бўлгил,
Гар қўлингдин келса тирик келтургил,
Бир тамошо қилай сўнгра ўлдургил,
Бориб, бизга тутуб келтур Алини.

Алқисса, андин сўнг Ҳазрат Али айдилар:

— Али бир зўр паҳлавондур, манга қирқ паҳлавон қўшунг, боғлаб келтурайин.

Марғуб подшо қирқ паҳлавонни етти тева занжир бирла узатти.

Йўлда кетаётиб Ҳазрат Али жами пайғамбарларни йўқлаб бир сўз дегани:

Икки оламда эрурсиз барчага пушти паноҳ,
Ҳар кишига тушса мушкул унга айларсиз даво.
Ҳам шафий ул мужмайин ҳам шиддатий рўзи жазо,
Бошингизга мавж урадур раҳмати нури худо,
Аҳли куффор ичра қолдим дастигир ё мустафо.
Бир назар қилгил манга одам сафийнинг ҳурмати,
Ҳам ҳалилу босафо нуҳий набини ҳурмати,
Юз йигирма тўрт минг Мурсал набийнинг ҳурмати,
Ҳам Абу Бакру, Умар, Усмон, Алининг ҳурмати,

Аҳли куффор ичра қолдим дастигир ё мустафо.
 Нури ҳақтин сизга келди ул рисолат мин зарий,
 Таъби эрди инси жанну ҳам малак деву пари,
 Ҳақтин ўзга сиз эурсиз жумла олам сарвари,
 Арзи ҳолим эшитинг охир замон пайғамбари,
 Аҳли куффор ичра қолдим дастигир ё мустафо,
 Доимо сиздин умидим гавҳари қимматбаҳо,
 Ҳам туфайлингдин яратди икки оламини худо,
 Бу Алийни қилмангиз шармандаи оламаро,
 Аҳли куффор ичра қолдим дастигир ё мустафо.

Алқисса андин сўнг Ҳазрат Али 40 паҳлавон билан шаҳардин чиққанларидин сўнг ўзларини баён қилиб бир сўз деганлари:

Бу кун ошкор айлай сирри ниҳоним,
 Паҳлавонлар, тутуб боғланг — Алиман.
 Марғуб шоҳга қилган аҳду паймоним,
 Паҳлавонлар, тутиб боғланг — Алиман.
 Шоҳнинг ҳаққи гарданимда қолмасун,
 Маҳшар куни Тангрим хитоб қилмасун,
 Эр улдур, ваъдаси ёлғон ўлмасун,
 Паҳлавонлар, тутуб боғланг — Алиман.
 Бу савдога солган биру боримдур,
 Ҳар саҳарлар чеккан оҳу зоримдур,
 Абу Бакр, Умар, Усмон ёримдур,
 Паҳлавонлар, тутуб боғланг — Алиман.
 Ушбу хизматларни қилган ўзумман,
 Қул бўлиб маҳшарни кезган ўзумман,
 Ер юзига гавго солган ўзумман,
 Паҳлавонлар, тутуб боғланг — Алиман.
 Қашамшам дер: ҳақдин бизга фармондур,
 Ҳақ йўлида доим бошим қурбондур,
 Раҳм айласа барча мушкул онсондур,
 Паҳлавонлар, тутуб боғланг — Алиман.

Алқисса, андин сўнг қирқ паҳлавон туш-тушига қоча бердилар.

Ҳазрат Али айдилар: -

— Эй паҳлавонлар, келиб мани боғланглар, ўз бошим учун сизларга ишшим йўқ.

Сўнг қирқ паҳлавон келиб етти тева занжир бирла Ҳазрат Алининг муборак қўлларини орқаларига боғлаб, ўртага олиб жўнай бердилар.

Алқисса андин сўнг Ҳазрат Алини боғлаб Марғуб шоҳнинг олдига олиб бордилар. Ҳазрат Али ўзларини танитиб бир сўз дедилар:

Шоҳи Марғуб, бохабар бўл,
 Али отлиқ арслон ўзим.
 Бовар айланг соғ била сўл,
 Ул шоҳи мардон ўзум.
 Келдим худо амри билан,

Эшитинглар хурду калон,
 Исмоил сифат шул замон,
 Ҳақ йўлида қурбон ўзум.
 Майдонда қон чопқон ўзум,
 Дин йўлини ошқон ўзум,
 Дарё каби тошқон ўзум,
 Келган соҳибқирон ўзум.
 Фатҳ айлаб боғ Эрамни,
 Вайрон эттим шаҳри Румни,
 Ҳайбатим тутти оламни,
 Ул марду паҳлавон ўзум.
 Рафраф келди Мустафога,
 Миниб чиқтилар самога,
 Қобу қавсайн «ав адно»га
 Шери ҳақман дарбон ўзум.
 Буздум бориб шаҳри зарни,
 Жанобил бирла Хайбарни,
 Ўлдурган деви ҳавфт сарни,
 Зулфиқори ҳафт сар ўзум.
 Мағрибдин Машриққа номим,
 Эшит, кофир, ҳақ каломим,
 Дулдули Қамбар гуломим,
 Билинг шери Яздон ўзум.
 Қашамшам дер ё Мустафо,
 Бир тараҳҳум айланг манго,
 Кофир аҳли билинг санго,
 Бу кун марду майдон ўзум.

Алқисса андин сўнг Марғуб шоҳ ясовулларига қараб бир сўз деди:

Маслаҳат беринг, ёронлар,
 Али келмиш диёримга.
 Курси нишин паҳлавонлар,
 Қулоқ сол оҳу зоримга.
 Шаҳр халқи, йиғилиб боринг,
 Мирғо зотлар қурсун дорин,
 Қўлин ечмай қилинг корин,
 Наҳанг тупмиш гузоримга.
 Марғуб шоҳ дер эшит зорим,
 Қолмади сабру қарорим,
 Йиғилишинг дўсту ёрим,
 Саф тортинглар каноримга.

Алқисса андин сўнг Ҳазрат Алининг муборак устиларига етти лак кофир тўкулди. Анда муборак кўнгуллари бузуллуб, қавму қариндошларини йўқлаб бир сўз дедилар, бу турур:

Ушбу дамда Мустафодек раҳбар керак эрди манга.

Сўрса ҳолим Сиддиқий Акбар керак эрди манга,
 Жанг силоҳини кийиб, Умар керак эрди манга,
 Усмон отлиғ соқийи кавсар керак эрди манга.
 Ул Ҳасайин ул Ҳусайн эрди жаҳонда зийнатим,
 Икки кўзум равшани эрди ики зурриётим,
 Ўн сақиз шаҳзода эрди бу жаҳонда давлатим,
 Битқарур эрди ўшал бобинда ҳар маслаҳатим,
 Ул Муҳаммад ханифа машҳур керак эрди манга.
 Бирга эрдим бу ғаму кулфат аро дилхоҳлиғ,
 Восаломат марду майдон салтанат баргоҳлиғ,
 Кофирий банди бўлиб, кетти қўлимдин шохийлик.
 Молик аждар паҳлавон эрлар керак эрди манга.
 Якка қолдим кофир ичра меҳрибонлар қолмади,
 Каъбаи мақсудим ул шери жаҳонлар қолмади,
 Ул Ҳасайин бирлаи Ҳусайин булбул забонлар бўлмади,
 Умари одил каби эрлар керак эрди манга.
 Шаҳри Ҳайбар борганимда мани бирлаи ёр эди,
 Ўзи ҳам соҳибқирон ҳам сипоҳсолар эди,
 Кулли асҳоблар ичинда бир ажойиб эр эди,
 Ул муййиби Ғозидек сарвар керак эрди манга.
 Эй Қашамшам, ҳақ ўзидур барчани ёр айлаган,
 Раҳм этиб оташни Иброҳимга гулзор айлаган,
 Қақнус ўз онасини доҳили нор айлаган,
 Икки оламда яна бирликни изҳор айлаган,
 Мустафодек ҳомийи маҳшар керак эрди манга.

Алқисса, андин сўнг Ҳазрат Али бир наъра тортдилар. Дулдул бирла
 зулфиқорлари шул ерга ҳозир бўлди. Ҳазрат Али ихлос билан «Оллоҳу
 акбар» деб керипдилар, етти тева занжир ҳам пора-пора бўлиб кетти.
 Марғуб подшоҳ етти минг паҳлавонига буюрди, алар Ҳазрат Алининг
 атрофини ола берди. Ҳазрат Али зулфиқорларини ҳар урганларида шул
 наът онҳазратни ўқудилар:

Ҳар лаҳза ёд айлай сани,
 Ҳамду санойим, ё наби,
 Икки олам ичра мани
 Пушти паноҳим, ё наби.
 Сандин эрур кул махлуқот,
 Фазлинг эрур баҳр-ул ҳаёт,
 Ҳам поксан, ҳам покзот,
 Ҳам олижаҳоним ё наби.
 Соқий ўзунг, кавсар ўзунг,
 Ҳам жумладин беҳтар ўзунг,
 Кулли осифа раҳбар ўзинг,
 Ҳам подшоҳим, ё наби.
 Лутф айлади шоҳи жаҳон,
 Бўлсун тасаддуқ хаста жон,
 Ҳам дин эурсан, ҳам иймон,

Ҳам тақягоҳим, ё наби.
Илму камолат сандадур,
Берди санга рабби ғафур,
Ҳақнинг шароби анта ҳур,
Англа бу оҳим, ё наби.
Қилдим йўлингда кўп хато,
Найлай нетай вовайлато.
Барҳақ суврайи ҳалато,
Кечкил гуноҳим, ё расул.
Сенсан Қашамшамга рафиқ,
Бағишласанг баҳри момиқ,
Билдур манга роҳи тариқ,
Одил гувоҳим, ё наби.

Алқисса, андин сўнг Ҳазрат Али етти минг паҳлавонни қириб соф қилдилар. Марғуб шоҳ: «Ал-омон, Ал-омон» деб мусулмон бўлди. Ҳазрат Али кофирларнинг барчасини мусулмон қилдилар. Марғуб подшоҳ мусулмон бўлганининг шукронасига бу ғазални ўқудилар:

Шукр айлайин худойимга,
Бу давлатга лойиқ бўлдум.
Раҳм айлади бу ҳолимга,
Кофир эрдим — содиқ бўлдум.
Қарам этсун бенавога,
Қўрмай юзин, ошиқ бўлдум.
Абу Бакр, Умар, Усмон,
Пайғамбарга эрур ёрон,
Арзим еткур шоҳи мардон,
Қўнгил бирлан содиқ бўлдум.
Неча йиллар ўтди абас,
Қарки миниб ҳою ҳавас,
Ёмонлардин ёмон эрдим,
Юрагим тўла қон эрдим,
Бир занг босган сопол эрдим,
Жавоҳирдин ортуқ бўлдум.
Қудуратдин халос бўлуб,
Яхшиларга рафиқ бўлдум.
Шоҳи Марғуб топти чора,
Қимё бўлди сангу хора,
Шукр, беҳад биру бора,
Ойнадин ортуқ бўлдум.

Алқисса, андин сўнг Ҳазрат Али карамоллоҳу ваҷҳаҳу Марғуб подшоҳга шаҳри Барбарни бердилар, шаҳарда масжид ва мадраса жорий қилдилар. Неча шаҳарларни мусулмон қилиб, Мадинага кетар бўлдилар. Шоҳ Марғуб Ҳазрат Алига қирқ тевага тилло юклаб берди. Ҳазрат Али Мадинага қараб жўнай бердилар. Марғуб подшоҳ Ҳазрат Алини узотиб берад эрди, Ҳазрат Али айдилар:

— Эмди қайтинглар.

Марғуб подшоҳ оддин тушуб, Ҳазрат Али бирла хўшлашиб, бир сўз дегони бу турур:

Бу кун азм айладинг мулки диёра,
Жисмим ичра ширин жоним, хўш эмди.
Сийнамни чок этиб бағримни пора,
Жондин ортуқ меҳрибоним, хўш эмди.
Гул юзинг кўрмасам йўқтур қарорим,
Сандин ўзга йўқдур кўнгил мадорим,
Гуломинг эрурман, эй шаҳриёрим,
Ҳақ юборган улуг жоним, хўш эмди.
Мустафога еткур арзу ҳолимни,
Ташладим кўнгилдин қилу қолимни,
Сарф айлай йўлингда мулку молимни,
Ҳақиқат мулкида коним, хўш эмди.
Салом айтгил Абу Бакр, Умарга,
Ҳазрати Усмову шаҳзодаларга,
Кулли саҳобалар, озодаларга,
Хуш такаллум, хуш анжомим, хўш эмди.
Қодир эгам бир еткурса Мадина,
Бошим қурбон қилсам сарви қадина,
Салом айтгил мендан бориб барина,
Ширин тиллик нуктадоним, хўш эмди.
Марғуб шоҳ дер хумор кўзимдин учти,
Жудолик ҳасрати кўнглимга тушди,
Мажнунни савдоси бошима кечти,
Қўлимдадур гирибоним, хўш эмди.

Алқисса, андин сўнг Марғуб подшоҳ йиғлаб-йиғлаб қолаберди. Ҳазрат Али Мадинага қараб жўнай бердилар. Ҳазрат Али йўлда исми аъзамни ўқуб дам солдилар, тевалари дулдуддин илдам юрдилар, бир дамда Мадина музофотига етилар. Мадина халқи Ҳазрат Алига пешвоз чиқтилар. Ҳазрат Алининг кўнгуллари хуш бўлуб, дўсту ёронлари ва саҳобалар бирла кўрушиб бир сўз дедилар:

Барча кўрган қадрдонлар,
Келинг жонлар, кўрушоли.
Меҳрибон ёру ёронлар,
Келинг жонлар, кўрушоли.
Кезиб келдим тоғу тузни,
Яна қайтиб кўрдум сизни,
Умар, Усмон, мусб Ғози,
Келинг жонлар, кўрушоли.
Қофир қириб бўлдим ғозий,
Шаҳарларни кезиб ёзий,
Абу Бакр, Усмон ҳомий,
Келинг жонлар, кўрушоли.

Саид Ваққос, имом Жаъфар,
Абу Ҳурайра молик аждар,
Хизматкорим бобо Қамбар,
Келинг жонлар, кўрушоли.
Тоб келтурмай умудина,
Неча шаҳрин киргузуб дина,
Муртазо кирди Мадина,
Келинг жонлар, кўрушоли.
Ҳасан-Ҳусайн азиз жоним,
Ўн саккиз шаҳзодаларим,
Муҳаммад марду майдоним,
Саҳобалар, кўрушоли.

Алқисса, андин сўнг Онҳазрат саллаллоҳи аълайҳи васалламни бориб зиёрат қилиб, олиб борган қирқ тева зарни халқи Мадинага тақсим қилиб бердилар, бева-бечоралар қолмади. Ҳазрат Али мисоли Рустами дostonдек ишларни қилдилар.

Пайгамбари худонинг икки куёвлари бор эрди, бири Ҳазрат Усмон ва бири Ҳазрат Али эрдилар. Ҳазрат Усмон ганий эрдилар. Ҳазрат Усмонга ҳам бир ярим тева тилло тегди, дўсту биродарлар шод бўлдилар, мунофиқлар ғамгин бўлдилар. Барча аҳли солиҳ муродлариға еттилар.

Парвардигоро, биздек ноқис бандаларингни ҳам мурод-мақсудига еткур, ҳамиша сенинг ишқинг билан яшамоқликдек улуғ ва шарафли бахтга эришмоқлигимизни насиб айлагин.

